

С.Б. Қодирова, Ф.Ш. Раббимова

 у т у в в а т

САМАРҚАНД-2021

Инсон ҳаётининг мазмуни нимадан иборат бўлиши лозим? Ҳаёт қадри қандай тарозида ўлчанади? Биз бахтли ҳаёт кечириш учун дунёга келмаганмизми? Ушбу ишни Ўзимиз ва ўзлигимизни қадрлаш илмининг тугалланмаган жавобини топишга бўлган бир ҳаракат деб қабул қилинг.

Тақризчилар:

доц. А.А. Матлюбов

- СамИСИ академик лицейи директори

М.Б. Эшнӣёзова.

- она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

СамИСИ академик илмий педагогик кенгашининг 2021-йил 5 март ойидаги қарорига кўра наширга тавсияя этилди.

МУНДАРИЖА

Кириш	4
Футувват таълимоти Ғарб ва Шарқ олимлари таълиқинида.....	5
Футувват таълимотининг мазмун моҳияти.....	10
IX-XII асрларда Мовароуннаҳрда ижтимоий ҳаётга футувват таълимотининг таъсири.....	20
Футувват таълимотида инсонпарварлик ғоялари.....	31
Хулоса	34

Кириш

Ватанимиз мустақилликни қўлга киритгандан буён маънавий меросимизга бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда.

“Тарих хотираси халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш, миллий ўзлигимизни англаш, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида муҳим ўрин тутди”, - деган эди Ўзбекистон биринчи Президенти И.А.Каримов.

Маънавий қадриятларимиз тикланиши билан тарих саҳифасидаги бизга номаълум бўлган кўплаб муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва илмий жиҳатдан асослаб бериш бугунги кунда муҳим масалага айланиб бормоқда. Миллий маданиятимизнинг ривожланиши табиий равишда унинг асосий манбаи бўлмиш маданий меросимизни кенг ва чуқур ҳамда илмий асосда изчил ўрганишимизни тақозо этади. Араблар Мовороуннаҳрни истило қилгач ўлкамиздаги мавжуд маънавий, маданий меросини йўққа чиқариб, араблаштириш сиёсатини олиб бордилар. Бу борада уларга ислом дини, Қуръони Карим дастур вазифасини ўтади. Натижада араб тилини, ислом динини, Қуръони Каримни эгалаган кишилар сони кўрайиб уларнинг жамиятдаги нуфузи ҳам ошиб борди. Бу ўз навбатида Мовороуннаҳрда IX-XII ижтимоий-иқтисодий ҳаёот билан биргаликда маънавий, маданий ҳаётнинг ривожланиши, “Шарқ ренесонси”ни келтириб чиқарди. IX-XII асрларда ўлкамизни бошқарган маҳаллий ҳукумдорлар маданият ва манавият ривожини учун қулай муҳит яратдики, натижада юртимиздан чиққан бюук доҳолар ўз қобилиятлари, ижодлари билан жоҳон маданияти дурдоналари ҳазинасини бойитди. Дунёвий билимлар билан биргаликда ислом маданияти ривожланди. Ислом мафкураси давлат ҳукумдорларининг ички ва ташқи сиёсатида асосий йўналтирувчи куч бўлиб хизмат қилди

Футувват таълимоти Ғарб ва Шарқ олимлари таълкинида

Марказий Осиё халқлари маданиятининг юксалишида Ислом дини ва унинг инсонпарварлик ғоялари, шунингдек, турли тариқат йўлларининг аҳамияти жуда муҳимдир. Мусулмон оламида тасаввуф тариқатининг ҳам салмоқли ўрни бор. Жумладан, Х асрдан бошлаб Мовароуннахр шаҳарларида юзага келган футувват таълимоти ва Ислом оламидаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт ғарб ва шарқ адиблари эътиборини ўзига жалб этиб келди. Ислом муаммоларига доир барча масалалар ва атамаларни ҳамда мусулмон мамлакатларига доир маълумотларни жамлаган “Ислом энциклопедияси”нинг яратилиши эътиборнинг натижасидир. Энциклопедия XX аср бошларида нашр этилган бўлиб, немис, голланд, француз ва инглиз шарқшунослари унинг асосий ташаббускорлари бўлган. Ушбу тўрт жилдли китоб 1908-1938 йилларда бир вақтда немис, инглиз ва француз тилларида Лейдунда нашр этилган. Энциклопедия 1933-1965 йилларда араб тилига таржима қилинган ва 1950 йилда Истанбулда турк тилида қайта ишланган ва тўлдирилган ҳолда чоп этилган. 1954 йилдан бери Европа ва Америка йирик шарқшунослари “Ислом энциклопедияси”ни қайта нашр қилиш устида иш олиб бормоқдалар. 1965 йил Лондонда (B.Lewis, Ch.Pellat va J.Schachtлар томонидан) “Ислом энциклопедияси”нинг янги наشري чоп этилди. Мазкур қомусий асарда футувват тариқатига оид қизиқарли маълумотлар мавжуд бўлиб, шу мавзудаги библиография ҳам қайд этилган. Футувват таълимоти ўрта асрларда ҳунармандчилик устахоналарида кенг тарқалган. Мовароуннахрдаги бундай устахоналарга оид маълумотлар қуйидаги асарларда ҳам учрайди: М.Хартман “Die Ostturkishin Handschriften der Sammlung” (1904 йил, Msos), М.Гаврилов “Lef korps de métiers en Asie Controle et leur status” (1928 йил, Москва), А.К.Боровков “К истории братство “Ачи” в Средней Азии” (1953 йил, Москва). Шунингдек, биз тадқиқ этаётган мавзуга оид қимматли маълумотлар олмониялик йирик исломшунос олим Франс Тешнер(Franz Taeshner)нинг “Zunfte und Bruderschaften in islam” (1979 йил, Munchen) номли асарида тўпланган. Араб, турк, форс манбаларидан қимматли маълумотлар жамланган ушбу асарни китоб шаклида кўриш Франс Тешнерга насиб этмади (муаллиф 1967 йил 11 ноябрда вафот этади). Ишни шогирди Густав Э.фон Гренбаум (Gustav E.Fon Grenbaum) давом эттиради, лекин Гренбаумнинг ҳам вафот этиши китоб чоп этилишини яна орқага сурган. Асар футувват борасидаги билимларни батафсил ёритишга ҳаракат қилинганлиги, манбалар таржимаси изоҳларсиз айнан келтирилганлиги билан қимматлидир. Олмониялик шарқшунослардан олима Аннамари Шиммел (Annemaeie Schimmel “Mustische Dimensionen des Islam” 1995 йил, Munchen) китобининг 348-350-бетларида футувват ҳақида маълумот беради. Унда Сухравордия

таълимотининг футувватга анча ижобий таъсири бўлганлиги қайд этилган. Моҳсин Зоке́ри ҳам (Mohsen Zakeri “The Origins of Ayyaran and Futuwwa”) ўз асарида бизни қизиқтирган мавзу ҳақида фикр билдирар экан, юз эллик йилдан буён футувват борасида ғарб олимлари тадқиқотлар олиб бораётганлигини баён этади. Жумладан, асарнинг кириш қисмида футувват таълимоти турли ижтимоий фан соҳалари, жумладан, диний фанлар тадқиқотчилари, иқтисодчилар, адабиёт тарихи мутахассислари, файласуфлар диққатини ҳам ўзига жалб этганлиги ва бу соҳада кўплаб адабиётлар яратилганлигини қайд этиш лозим. XIX аср бошларида яшаган Жозеф фон Ҳоммер (Jozef fon Hammer) гуманизмнинг олтин даврида ўрта асрлар Европа рицарларининг маҳоратлари ва жасоратини илк марта “Исломиий жасорат тарзига” ўхшатади. Албатта, Жозеф фон Ҳоммер футувват ҳақидаги фикрларида ҳақли эди. У футувватни халифа Ан-Наср томонидан қайта ташкил этилганини ҳам эътироф этган. Айнан шу халифа даврида сарой футуввати ривожланиб, уни талқин қилувчи бир қанча китоблар яратилган.

Жозеф фон Ҳоммернинг шогирди Ҳерман Топ (Herman Top) 1913 йил ўз асарини нашр эттирди. У тарихда биринчи бўлиб савдогарлар ва ҳунармандлар ташкилоти анъаналари ва уларда футувватнинг ўрни масаласини ёритиб берди. Ҳерман Топ (Herman Top) халифа Ан-Наср учун Ибн Меъмор томонидан ёзилган XII асрга оид “Футувват пайғоми” асарини таржима қилди. Ушбу таржиманинг нашр этилиши футувват борасидаги изланишларнинг жонланишига сабаб бўлди. Жозеф фон Ҳоммер Европа рицарлари ва савдогарларининг ички тартиб-қоидалари мусулмон биродарлигининг ғояларга ўхшатган ва бу ғояларни ўз тадқиқотига асос қилиб олди. Натижада мавзуга оид кўлёзмаларни ёритиш учун йўл очилди. Европа анъаналарини ислом маданияти билан таққослаш футувват кўлёзмаларидаги илк маълумотларнинг асл мазмунидан четлашишга олиб келди. Фақат улар орасида Ҳерман Топнинг талабаси ва дўсти Франс Тешнер илмий ҳаётининг асосий қисмини футувватнинг келиб чиқиши асосини ўрганишга сарфлади ва футувват таълимоти талқинида тўғри йўлни танлади. Франс Тешнернинг изланишлари шуни кўрсатдики, футувват халифа Ан-Насргача мавжуд бўлган ва жамиятнинг юқори қатламлари ва подшоҳлар томонидан қўллаб-қувватлаб турилган. Ан-Наср футувватни қабул қилишидан бир аср олдин биёрийлар шахзодаси Қобус Искандар 1082-1083 йилларда (х.475 й.) ўзининг “Қобуснома” асарини ёзди. У ўз асарининг каттагина қисмини сосонийларнинг йўқолган китобларидан бири “Жавонмардлик қоидалари”га бағишлайди. Бу қоидаларнинг айримлари сосонийлар даврида ишлаб чиқилган “Шахзодалар ойнаси” бўлиб, бу китобда Қобус Искандар ўғли ва шахзодаларга

жавонмардликнинг ижтимоий қоидаларини ўрганишни насихат қилади. Бу асарни моҳиятан инсонпарварлик қоидалари деб аташ мумкин.

Франс Тешнернинг издошлари шуни таъкидлайдики, Қобусдан анча олдин футувватнинг идеал фикрлари жамланиб, “Футувватнома”, “Рисола ал-футувва” ёки “Қобуснома” номлари билан аталган. Бу асарлардаги фикрларнинг таъсирини суфий мусулмонларнинг таълимотларида ҳам учратиш мумкин. Жумладан, суфизм издошлари томонидан “Рисола фи ал-футувва” (Сулами, 1021 йил) ёки унинг давомчиси Душайри рисоласини (1045 йил) мисол тариқасида кўрсатиш мумкин. Суфийлар ўз асарларида футувватни Иброҳим пайғамбар (уни “Абу ал-фитиян”, яъни қаҳрамонлар отаси деб аташган) даври билан боғлайдилар. Уларнинг футувватни ислом динининг ажралмас қисми ҳисоблаб, унинг ижтимоий илдизларини эътироф этмайдилар.

IX асрнинг иккинчи ярмида шарқий Эронда яшаган маломатия мактабининг намояндаларидан бири Солиҳ бин Ҳамдул бин Аҳмад ал-Қасар (х.884 й.) шундай дейди: “Кунлардан бир кун мен Нишопурдаги Хиро дарёси ёқалаб сайр қилаётганимда ўзининг инсоний футувваси билан машҳур Нухни учратиб қолдим, у бутун Нишопур аҳли жавонмардларининг раҳбари эди. Сўрадим: эй Нух, сенинг футувванг нима? Деди: Сенинг футуввангми ёки меникими? Иккаласини ҳам англат, дедим. Менинг футуввам мен ўз кийимимни чиқариб, ямоқ солинган кийим кийиб, суфий бўлиш ва худо олдида уялиб қолмаслик учун гуноҳлардан тозаланишга уринаман, бироқ сен ямалган кийимни чиқариб ташлайсанки, на сен бошқаларни алдайсан, на бошқалар сени алдай олсин: шу тарзда менинг футуввам диний ва расмий қоидаларда, сеники бўлса ҳақиқатнинг маънавий кўринишида намоёндр”. Бу каби ҳикматлар футувванинг дастлабки тарихини билиб олиш учун озлик қилади, бироқ бу қимматли фикрлар футувва таълимотининг ахлоқий жиҳатларини англашга ёрдам беради. Суфийлар томонидан яратилган манбаларда Хуросон шаҳзодаси бўлган Ал-Сулами Шайх Шижо ал-Карманий (тахаллуси Абу ал Фавариз музаффарийлардан) футувва вакили сифатида қадрланган.

Араб адиблари томонидан ёзиб қолдирилган маълумотларга эътибор қаратилса, Халифа ал-Амин даврида (809-813 й.) ҳозирги милиция вазифасини бажарувчи бўлинмаларга ўхшаш гуруҳлар тузилганлиги ҳақида етарли далиллар қолдирилган. Бу халифалик босиб олинган ҳудудларида ташкил этилган бўлинмалар эди. Араб манбаларида аббосийлар билан ҳам футувва таълимотининг боғлиқлик тарафлари мавжуд эканлигини учратиш мумкин. Жафар бин Яҳё ал-Варман (вафоти 805 й.)нинг фикрича, Хорун ар-Рашид футуввага эга бўлган шахс, у яхши хусусиятлар, адаб маданиятига эга бўлган

халифа сифатида футувват меъёрларига жавоб бера олади. Ал-Суламининг ёзишича, Маъруф бин Фирир ал-Куфий ҳам футувва издошлари орасида энг кўзга кўринган шахслардандир. Маъруф бин Фирир ал-Куфий ҳақида қимматли маълумотлар берган Фаридиддин Аттор ўзининг “Тазкират ул-авлиё” асарида у зотни “Футувват ва тақвода бир ҳирқа эди” деб таърифлаган. Фаридиддин Атторнинг ёзишича, Маъруф бин Фирир ал-Куфий Абу Муса қўлида мусулмон бўлиб, Дабуд Той қўлида тарбия топади; машҳур “Ихлос халос” ибораси у кишининг ҳикматларидандир.

Араб тилида ижод қилган эронлик шоир Башар бир Бурд (694-783 й.) ҳам футувва хусусиятларига эга шахс сифатида аббосийлар даврида жуда қадрланган.

Франс Тешнернинг фикрича, араблар шарқий Европани босиб олар эканлар, араб олийжаноб кишилари орасида шаклланган ва фата деб номланган хусусиятларини ҳам олиб келди, бунинг самараси ўлароқ турмуш тарзи маданийлашди, шу билан бирга янги турмуш тарзида олийжаноблик ва жасорат каби тушунчаларни ўзида бирлаштирувчи ижтимоий гуруҳлар шаклланди. Франс Тешнернинг хулосасига кўра, Эронда антик маданият давридан буён сақланиб келаётган инсонийлик мезонлари ҳақидаги фикрлар Исломга футувва термини орқали кириб келади. Франс Тешнер хулосаларини Слауде Соҳил ҳам тасдиқлаб, таъкидлайдики, сосонийлар давлати чегараларида ўзларининг айёрунлари, яъни жасорат тимсоли бўлган ижтимоий гуруҳлар мавжуд бўлган ва улар орасида Исломгача бўлган Эрон маъданиятида футувва мезонларини ўзида жамлаган талабларга амал қилинган.

Ислом мамлакатларидаги ҳунарманд ҳамда савдогарларнинг уюшмаларида шундай одат бор эдики, улар белларида махсус белбоғ – “шод” бўлган ва уни асосан жамоат жойларида боғлаб олишган. Франс Тешнер зардуштийлардаги диний либос бўлган белбоғ ва „шод” орасида боғлиқлик, ўхшашлик борлигини тахмин қилади.

Футувват таълимотидаги анъаналар қадимги форс анъаналарида ҳам мавжудлигини Муҳаммад Тақи Баҳар ҳам эътироф этади. Унинг фикрича, “аёр” атамасининг луғавий маъноси ва шакли арабча “аяра” ёки “аъра”га (мақсадсиз айланиб юрмоқ, тўғри йўлдан айрилмоқ ва шу илдиздан арабча -дир ҳаракат номи маъносига) тўғри келмайди. Муҳаммад Тақи Баҳар бунинг рад қилиб, ўзининг қуйидаги тахминларини илгари сурган. Унинг фикрича, “айяр” сўзи паҳлавийча “адхўар” атамасидан олинган бўлиб, у “ай” ва “яр” қисмларидан иборат, яъни “эй дўстим” деган маънони англатади ва бу арабча “ياحى” “Ё ахи”га мос келади. Парвез Нафил Каънлари Муҳаммад Тақи Баҳарнинг фикрини тасдиқлаб, “айяр” сўзи паҳлавий тилидан олиниб, у қудратли ва шавкатли йигитлар бирлашмасини англатишини, шуниндек, улар бир-бирини “яр” (ўртоқ, дўст) деб чақирганларини изоҳлаб беради.

Ўрта Осиёга ва мусулмон мамлакатлари ҳаётига бўлган қизиқиш россиялик шарқшунос олимларни ҳам кўплаб тадқиқотлар олиб боришга ундайди. Л.Массинон, Э.Е. Бертолс, А.Арберри, М.Смит, Л.Горде, Г.М. Керимов, О.Ф.Акумушкинлар шулар жумласидандир. Таниқли шарқшунос олим О.Ф.Акумушкиннинг фикрича, 219 дан ортиқ араб манбаларида, 255 дан ортиқ Европа тилларидаги асарларда 325 дан ортиқ тариқат йўллари тилга олинган. Жумладан, тариқатнинг бир қисми бўлган футувват таълимоти борасида юқорида қайд этилган М.Гаврилов, А.К.Боровков, А.Б.Гордлевскийлар асарларини келтириш мумкин. Шу мавзуда тожикистонлик З.Вазиров ўз асари (“Социально-политические и нравственно-религиозные учения и философская система футуввата”) да ёзишича, суфизмда ёритилган ҳаққа етишишдаги тўрт босқич, яъни шариат - мурод йўлига кириш, тариқат - ботиний илм, маърифат ҳамда ҳақиқатдан иборат бўлган босқичлар футувватда битта тариқат йўли тушунчаси орқали ифодаланган деб баҳолайди.

Ҳар бир даврнинг ўзига хос бўлган маънавий жиҳатлари мавжуд ва шу даврда ёзилган асарлар биз учун қимматли манба ҳисобланади. Манбаларни ўрганиш манбашунослик ва шу давр фалсафасини ёритишда асосий қуролдир.

Ҳозирги кунда вилоятларимиз марказий кутубхоналарида, Тошкент шаҳрининг Ал-Беруний номли шарқшунослик институти Академияси ва Самарқандда СамДУнинг шарқ кўлёзмалар бўлимида сақланаётган суфизм ва тариқатга оид кўлёзмалар сақланмоқда. Ўзбекистонда сақланаётган араб ва форс тилидаги кўлёзмалар дунё миқёсида салмоқли ўрин эгаллайди. Ёш мутахассисларга кўлёзмаларни ёритишда қисқа каталоглар катта ёрдам беради. Ҳозирги кунда Самарқанд давлат дорилфунунининг Шарқ кўлёзмалар бўлимида ноёб асарлар сақланмоқда. Абу Бакр ибн Абулфазл бин ал-Умар ал-Бухорийнинг “Мутакид ул-усул”, Тожиддин бин Раҳматуллоҳ ал-Хоразимийнинг “Манқабат”, Абдуҳолик бин Сайфиддин ал-Қодир ад-Дехлавийнинг “Одабу-с-соликин” асарлари шулар жумласидандир.

XV асрда яшаган атоқли олим ва адиб Ҳусайин Воиз Кошифий “Футувватномаи султоний” асарида (форсчадан Н.Комилов таржимаси) футувват тариқатига оид қуйидаги манбаларни қайд этади: булар Абдурахмон Жомийнинг “Рисолаи сайр”, Заруа Исфохонийнинг “Зодул охира” асарларидир. Ҳозирги кунда Самарқанд давлат университетининг шарқ кўлёзмалар бўлимида Фаридиддин Аттор замонасида сулс хати билан кўчирилган “Тазкират ул-авлиё” асари сақланган бўлиб, унда футувват уламолари дунёқарашлари ифодаланган.

Тошкентда Ал-Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган кўлёзмалар орасида Али Шаҳоб ал-Ҳамадонийнинг “Футувват

ҳақидаги рисола”си ҳам шу мавзу борасида муҳим маълумотлар беради. Жумладан, қўлёзмада муаллиф “ахи” атамасининг маъносига алоҳида тўхталиб, футувватга оид йигирма тўртта сўзнинг маъноси ва моҳиятини ёритиб беради.

Ҳозирги кунда тасаввуф ва тариқат борасида иш кўраётган нақшбандия тариқатининг давомчиси, қирқинчи силсила вакили туркиялик Маҳмуд Аъсад Жуйшон ҳазратларининг 400 дан ортиқ тасаввуф ва тариқатга оид асарлари нашр этилган.

Ўзбекистонда профессор Нажмиддин Комиловнинг “Тасаввуф”, “Комил инсон ҳақида тўрт рисола”, “Карвон йўллари” асарларида тасаввуф, тариқат мавзусида, комил инсон муаммоси борасида қизиқарли фикрлар билдирилган.

Тариқат ва тасаввуф биргина ислом илми билан чегараланган эмас. Бу таълимотларнинг қадимги Юнон ва Шарқ фалсафасига боғлиқ бўлган томонлари ҳам мавжуд. Лекин уларнинг барчаси исломий турмуш ва ақидалар нуқтаи назаридан талқин этилиб, мустақил илм сифатида ўрганилмоқда. Бу таълимот тадқиқи борасида Н.Комилов каторида И.Ҳаққулов, Р.Воҳидов, А.Абдуқодиров, С.Рафиддинов, С.Олим каби истъедодли тасаввуфшунослар самарали ишламоқдалар. Тариқатнинг янги–янги маънолар қатлами очиб берилмоқда.

Турли шахслар, миллатлар, жамиятлар тараққиёти тарих саҳифасини тўлдириб, унга турлича мазмун киритади. Кечаги кун талаблари бугунги куннинг эҳтиёжларига мос келмайди. Алоҳида шахсдан тортиб бутун бир давлатгача – ҳар бир аъзо ўзига зарур бўлган саноксиз эҳтиёжларни қондиришга ҳаракат қилади. Бу билан бахтиёр маданият омиллари яратилади: моддий маданият, маънавий маданият. Моддий маданият жамиятнинг ижтимоий талаби ва маънавиятининг қиёфасини соғломлаштиришга қаратилиши лозим. Жамиятимиз маънавий қиёфасини соғломлаштиришга ҳаракат қилинаётган бир шароитда футувват таълимоти ва ундаги фалсафий қарашларни таҳлилий ўрганиш, ўзлаштириш инсонийлик мезонларини яратишда замондошларимизга дастуруламал бўлиш имкониятига эга.

Футувват таълимотининг мазмун моҳияти

Ислом оламида кенг ёйилган “ал-футувва” атамаси форсларда “футувват”, яъни таржимаси жавонмардлик, туркларда “футуввет”, таржимаси йигитлик маъноларини билдиради. Лотин тилида бу сўзни “ивентус” деб аташ мумкин. Шунингдек, араб шеъриятида мардлик, биродарлик маъноларида қўлланилиб, араб зодагонлар орасида кенг тарқалган олийжаноблик меъёрларини англатади.

Ислом энциклопедиясида келтирилган изоҳли луғатда “фата” - йигит жумардлик, қарам ва саҳо маъноларидан далолат беради. Муҳсин Зокирий

футувват атамасини араб тилида бирликда “ал-фата” - йигит, кўпликда “фитиян” – ёш йигитлар маъносини англатади деб келтирадилар. Ислом энциклопедиясида “футувва” атамаси II-VIII асрларда мурувват - яъни комил инсон сифатлари кўринишини ифодалаганлиги баён этилган ва бу атама эрамининг бошларида мавжуд бўлган ислом оламидаги ҳаракатлар, мусулмон шарқидаги барча шаҳар бирлашмаларида кенг тарқалган турли ижтимоий гуруҳлар, мусулмон шарқида вужудга келган биродарликни ифода этади.

“Мусулмон халқларининг географияси, этнографияси ва биографияси” луғатида футувват сўзининг маъноси одатда ўз жасурлиги билан машҳур бўлган ёш йигитга нисбатан ишлатилади ва асосан олийҳимматлик, қарам ва сахони билдиради.

Олмониялик олим Франс Тешнер футувва атамасининг маъносини қуйидагича тушунтиради: “Бутун мусулмон олами минг йиллар давомида араб маданияти таъсирида бўлди ва “фата” атамаси зодагонлар билан биргаликда кенг омма орасида одамийлик мезони сифатида, ислом ғояларининг бир қисми бўлиб, кўплаб ҳудудларида ўзига хос тарзда намоён бўлди. “Футувва”сўзи билан биргаликда араб тилида “ал-турувва” атамаси ҳам ишлатилган ва бу “эркак киши” маъносини англатган”. Машҳур қомусий олим Беруний (973-1048) ўзининг “Минералогия” асарида бу тушунчаларнинг фарқини қуйидагича тушунтиради: “Турувва вакиллари деб оила қурган эр кишига нисбатан айтиш мумкин, футувват унинг тескариси, яъни йигитлардир”. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бу сўзлар бир-бирини тўлдирган. Турли мусулмон мамлакатларида, жумладан, Ироқда футувва атамаси ўрнига “шотир”, Хуросонда “сарбадор”, Туркияда “ахи”, форсларда “аёр” атамалари қўлланилганлигини кўриш мумкин.

“Аёр” сўзи пахлавийча “ағхёр” сўзидан олинган бўлиб “эй дўстим” деган маънони англатади, бу сўз араб тилига “я ахи”деб таржима қилинади. Беруний бу сўзни “жаванмард”, яъни мард йигит деб таржима қилади. “Фатий” сўзи ҳам ўзбек тилида мард йигит маъносини билдиради. “Аёралар” сўзи IX-X асрларда ижобий маънода қўлланилган ва XI асрда форс тилида яратилган “Самаки аёр”китобининг Самак образи ҳамда омма орасида кенг тарқалган Насриддин Афанди образлари бунга мисолдир.

Ислом динининг юзага келиши ва унинг дастлабки даврларида араб тилида футувват сўзидан фойдаланилмаган. “Фата” фақат бирлик тарзда қўлланилиб, бу сўз индивидуалликни англатган. Ўша вақтда “фата” ёш жасур жангчи хислатларини ўзида жамлаган йигитга нисбатан қўлланилган. Бу сўз қабилалараро жангларда ўзига хос қаҳрамонлик кўрсатган саркардага нисбатан қўлланилиб, диний ишонч билан боғлиқ бўлмаган. “Қуръони қарим”да бу

жумла ўрнида “соғлом йигит” маъноси қўлланилади, бу сўз мажозан “худонинг кули”, “хизматкор” маъноларидадир.

Футувват сўзининг бош маъноси саховатни тўлиқ эгаллаган кишидир. Араб шоирларидан бўлган, IV аср охирларида яшаган Ҳотам Той юксак даражадаги сахий киши бўлиб, мусулмон мамлакатларида у ҳақида ривоятлар кўп тарқалган. Бироқ исломда Алининг мавқеи мунтазам равишда юксалиб бориши унинг олий қиёфадаги “фата” сифатида ҳурмат қозонишига ва “Ла-фата илла Али” (Алидан ўзга жавонмард йўқ) деб қадрланишига олиб келди. У фатанинг биринчи вакилларида, футувватнинг ҳомийси бўлган.

Яна шу нарсани келтириш мумкинки, Қуръонда Иброҳим пайғамбар, Юсуф пайғамбар ва етти ухловчи йигит фата деб улуғланган.

Ўрта асрларда ҳар бир мусулмон мамлакатларида футувват ва ислом ғояларининг тарғиботчилари мавжуд бўлган. Шу сабабдан бу ғоялар жамиятдаги барча ижтимоий гуруҳлар орасида кенг тарқалган. Исломдан сўнг юзага келган футувват бир-бирига мувофиқ келмайдиган икки йўналишни ўзида акс эттиради.

XV асрда яшаган атоқли олим ва адиб Ҳусайин Воиз Кошифий футувват сўзининг мажозий маъносига қўйидагича таъриф келтиради: “Фатий” сўзининг ёш йигитга нисбатан берилиши ҳақиқатдир, бундан бошқаси мажозий, яъни кўчма маънода инсоний фазилатлар нуқтаи назаридан камолот чегарасини забт этган одамга нисбатан қўлланилади”. Бу атама асосида мусулмон шарқидаги кўпгина мамлакатларда ҳар хил оқимлар ва ташкилотлар кўринишида юзага келган ижтимоий гуруҳлар фаолиятини кўришимиз мумкин.

Мовароуннаҳрда буларнинг бир қисми суфизм билан алоқадор бўлса, қолган қисми турли ҳунармандлар орасида ташкил топган гуруҳлар билан боғлиқ.

Мовароуннаҳрда футувват таълимоти икки хил кўринишда намоён бўлади, нисбатан катта қисми тасаввуф ғояларига яқин ғояларни тарғиб этиб, аксарият бўйдоқ ўтишган. Тасаввуф ғояларига яқин ғояларни тарғиб этган футувват вакиллари биргаликда ҳаёт кечирганлар. Футувват аҳлининг муҳити маълум шаҳар ва ҳудудларда кенг тарқалган бўлиб, ҳар бир шаҳарда биродарликлар мавжуд эди, қаерга саёҳат қилишса, улар бир-бирларини кутиб олганлар. Араб сайёҳи Ибн Батута “Саёҳатнома” китобида “Мен дунёни кезиб жавонмардлардан кўра эзгу ниятли ва эзгу хулқли кишиларни кўрмадим. Шероз ва Исфаҳон мардлари ўзларини жавонмардларига ўхшатишсалар-да, аммо улар (яъни Хоразм ва Мовароуннаҳрнинг жавонмардлари) ғариб-мусофирларни сийлаш ва меҳмондорчиликда улардан баланд турадилар. Уларни Ироқда шотир, Хуросонда сарбадор, Мағриб(Андолия)да суқра (“суқра”-маст демак) дейишади. Уларга тобеъ жойларда адолат расми шундай

ривожланганки, уларнинг лашкаргоҳлари, уйлари остонасида олтин ва кумуш тангалар ерга сочилиб ётади ва эгаси топилмагунча ҳеч ким бу пулларга тегмайди” деб келтиради. Турли мусулмон мамлакатларида жавонмардлар турлича аталганлигини ғарб адиблари ҳам эътироф этадилар, жумладан, аёрлар ҳарбий жамоларини француз инқилобчиларига ўхшатишганини кўришимиз мумкин. Аёрлар билан биргаликда "авбош", "шатир"- "муттар"(аёр) ва салжуқийлар пайтида юзага келган "ринд"-кўплиги "рунд" (ярамас, разил) каби сўзлар ҳам ишлатилган. Бу сўзлар шаҳарларда ташкил этилган мустабид тузумга қарши бўлган гуруҳларга нисбатан қўланилади. Боғдодда биз “аёр”ни марказий ҳукумат сусайган даврда амалдорларга нисбатан норозилик ҳаракатлари йўлбошчилари сифатида кўрамиз. Ал-Табарий ва Ал-Маъсудийнинг ёзишича, улар тош ва таёқлар билан қуролланган, бошқа ҳеч қандай ҳимояси бўлмаган норозилик ҳаракати намояндалари эди.

Бундан фарқли ўлароқ Кланде Кохел айёрлар сосонийлар давлати чегараларини ҳимоя қилган чегарачилар эканлигини таъкидлайди. Унинг ёзишича, Форс ёки турк давлатларининг ҳар бирида ўз аёрлари бўлган. Кланде Кохел исломгача бўлган Эрон маданиятида футуввада мавжуд бўлган қоидалар бўлганлигини таъкидлайди. Шунингдек, у исломий ҳунарманд савдогар ташкилотларнинг ташкилий қоидалари ва уларнинг шавкати ва олийҳимматини сосонийлар даврига оид шаҳарлардаги футувватга оид бўлган одатлар билан боғлайди: "Ислом мамлакатларида ҳунарманд ва савдогар ташкилотларининг шундай одатлари бор эдики, улар ўз белбоғлари атрофига махсус белбоғ-шадд ўраб олишарди. Зардуштийлик динида ўраладиган белбоғ билан шадд орасида ўхшашлик мавжуд”. Шу нарса эътиборга моликки, Турк ҳоконлиги даврида эл сардори раҳнамоларида бир туман - ўн минг суворийни бошқарган ҳарбий бўлинмаларнинг бошлиғи "шодд" деб аталади.

Туркий халқлар орасида футувват мақомини ифодалашда жавонмард атамасига қараганда "ахи"- "дўст" атамаси кўпроқ қўлланилганини кўрамиз. Али Шаҳоб ал-Ҳамадоний ўзининг "Футувват ҳақида рисола" асарида "ахи" атамасининг маъносини тушунтириб, уч хил маъносини келтиради: сўзма-сўз таржимаси жигардош биродар; ишонувчилар; сиғинувчилар-футувват мақомини босиб ўтганларни шу сўз билан ифодалайди.

Абдурахмон Жомийнинг “Навоҳат ул-унс” асарида футувват вакиллари жавонмардликни бўйнига олганлар деб келтирилади. Алишер Навоий ўзининг “Маҳбуб ул-қулуб” асарида “Ахи” бу шундай инсонки, у ўзида бор нарсани ўзгага бера олади деб таърифлайди. Хуросонлик шайхлардан Маъруф Керхи эса жавонмардлик аломатини муҳолифатсиз бир вафо, миннатсиз мулкда деб билади.

Сулами ўзининг асарида футувватга оид 212 таърифни келтиради. Абу Абдул Раҳмон Муҳаммад ибн Мусо ибн Сулами ибн Равиа ал-Сулами 996 йил 16 апрелда Нишопурда туғилган, 1021 йил 3 ноябрда шу шаҳарда вафот этган, у кишининг падари Ал-Хусайн ибн Муҳаммад ибн Мусо машхур шайхлардан бўлган. Сулами Хуросон, Туркистон, Ироқ, Ҳижоз ва Арабистоннинг кўплаб шаҳарларида саёҳат қилган. Жумладан, Самарқанд, Балх, Қоҳира ва Макка шаҳарларида бўлган. Саёҳатларининг натижалари ўларок, ўзининг “Табақат ал-суффиян” асарини ёзган. Машхур замондошлари Толиб ал-Макки, Жунайд Боғдодий каби сўфийлардан таълим олган. Сулами дастлабки футувват вакиллари қаторига Иброҳим пайғамбарни киритиб, Худо йўлида ўғлини қурбон этганини қайд этади. У барча пайғамбарларни футувват вакили эканлигини таъкидлаб, Муҳаммад (с.а.в) ва сўнгги тўрт ишонарли халифаларни ҳам булар сафига киритади.

Юқоридаги фикрлардан шундай хулосага келиш мумкинки, футувват тариқати Исломгача араб жамиятида бирликда фата шаклида қўлланилиб, якка шахсга нисбатан ишлатилга ҳамда мардлик ва жанговарлик маъноларини англатган. Араб жамиятидан ташқари, сосонийлар даврида, Эронда “аёр” паҳлавийча дўст маъносида ишлатилади, чегара қўриқчилари ва ички низоларни назорат этувчиларга нисбатан қўлланилган. Турк ҳоконлиги даврида эса (турк ҳоконлиги ҳудудларига Енисейнинг юқори оқимидан то Амударё бўйларигача, Манжуриядан то Босфоргача бўлган ҳудудлар кирган VI асрнинг 70-80-йилларда) “аёр” атамасига маънодош “шадд” сўзи ишлатилиб, ҳар бир “шадд” қўл остида мингта йигит хизмат қилган.

Ислом юзага келгандан бошлаб, фата кўпликда фитиян шаклида қўлланилиб, мардлик, саховат, жами эзгу хулқларнинг мажмуи сифатида барча мусулмон мамлакатларида кенг ёйилди. X асрда бошланган тариқат ва футувват ўртасидаги боғлиқлик XIII аср бошларида уларнинг бир-бири билан қўшилиб кетишига олиб келди. Шу даврда яшаган Хуросон, Эрон ва Мовароуннаҳр шайхлари ўз муридларини мардлик ва фидоийлик, саховат ва қаноат руҳида тарбиялаш, жавонмардликни тариқат ишларига айлантиришга интиланлар.

Футувватнинг дастлабки тарафдорлари (ислом юзага келгандан сўнг) ташқи кўринишлари, яъни кийимлари билан ажралиб турганлар. Футувват йўлига кирганларнинг ўзига хос либоси, муқаддас ичимлиги ва ашёлари бўлган. Бу йўлга киришда махсус маросим ўтказилган ва маросимда шогирдларга устоз томонидан бир жуфт шолвар кийдирилган, футувват белбоғи боғланган ва барча маросим иштирокчилари намоқоб (тузли сув)дан бир қултумдан ичганлар. Бу одат ва шартлар дастлаб Муҳаммад(с.а.в)дан бошланган: “Пайғамбар Алига айтди: „Сен бу бирлашманинг фаттасисан”,

сўнгра у қадахни олиб, унга бир бўлак туз ташлади ва деди: “Бу шариатнинг қонуни, шариат бу муқаддас қонун”. У яна туз олди, бу ҳақиқат яна қадахга ташлади ва Алига ичиш учун берди. Шунда деди: “Сен менинг ўртоғимсан, мен Жаброилнинг биродариман, у эса Худонинг биродаридир». Сўнгра у белларини боғлади ва изор(шолвар) кийдилар ва деди: ”Бу иш шу билан якун топди”. Али сўнгра у Салмонга қадахни Алининг қўлидан олиб ичишни буюрди ва Ҳусайн Яманийга қадахни Салмоннинг қўлидан олиб ичишни буюрди”. Бу фитияннинг қилиши керак бўлган расм-одатлари эди: белни боғлаш, шолвар(шим) кийиш ва қадахдан тузли сув ичиш. Синов даврида, яъни ўзини ҳақ йўлига бахшида этишда, тузли сувни ичиш билан бошқалар этиборини ўзига жалб этиш тантанали маросим билан бирга амалга оширилади, у шундай қилиб, “футувва”нинг ўзига хос кийимларини кийиб олади, бунда айникса, шим муҳим ҳисобланади. У ўғил (ибн) ёки кичик, тобе киши (сағир) сифатида ота (абу) ёки катта киши (кабир)га боғланган ва ўзи қатъий киши кафиллиги остида футувват йўлини босиб ўтади.

Сухравардийнинг “Футувватнома” асарида оддий ҳунарманд кишилар “қавли” ва қиличдаги кучга эга жавонмардлар эса “сайфи” деб аталади. Ҳар бир жамоа ўртасидаги муносабат, ўртоқлар (рафиқлар) ўртасидаги биродарлик мутлақ ва самимий бўлиши лозим бўлган. Бош уста “нақиб”деб номланган ва у ҳунарманчилик ташкилоти раҳбари бўлган. Ҳунарманчилик ташкилотларини халифалар бошқарган. Ҳар бир халифа қўл остида ташкилотга аъзо бўлган маълум сонли шогирдлар „буют”, яъни уйларда ҳунар ўрганиш билан бирга жавонмардлик мезонларини ўрганганлар. Рафиқликка - биродарликка қабул қилишда ҳар бир ҳунарманчилик ташкилотларининг ўз маросимлари ва мазҳабларига риоя этилган. Ҳар бир мазҳабнинг ўз пири - шайхлари бўлган. Бу ҳақда Нақиб Тожиддин Муҳаммаднинг „Ҳирқат ал-тасаввуф” китобида келтирилган бўлиб, бу маросим қуйидагичадир: аввал покиза кенг бир жой танланган, тариқат биродарлари, шайх ва нақиб йиғилишиб ўтирганлар. Шайх жойнамоз устида, ўрталикда ўтирган аҳд отаси шайхга рўбарў ўтирган. Мажлисга бир коса сув, туз ва беш пиликчи чироқ келтирилган. Талабгор футуввага кириш шартларини айтиб, аҳду паймон қилгандан кейин, ўз устози ўрнидан туриб, уни чап томонидан ушлаб шайхга юзланади. Шайх фарзанд муриднинг қўлини олади ва уни тавба қилдиради. Шайх шундан кийин белбоғини елкасидан тушириб, чап қўлига олади. Кейин белбоғини оҳиста гилам устига қўйиб, хутба ўқилади. Хутба тугагач, „Футувватнома”да зикр этилган қоида ва талабларни айтиб, фарзандга эшиттирилади. Ана шундан сўнг, шодд устози ўрнидан туриб, иккала қўлини белбоғ остига юборади ва кўрсаткич бармоғини белбоғ остида тутиб туради. Шу алфозда фарзанд қулоғига зарур сўзлар айтилади ва белбоғни фарзанд белига боғлайди. Кейин

тузли сувни мажлисда ҳозир бўлганларга ичиради ва махсус пиширилган „хуфия ҳолваси“ тайёр бўлса, ундан ҳам татиб кўрилади. Белбоғ фарзанд белида уч кунгача ечилмасдан туради. Уч кундан кейин у устоз олдида келади ва устоз унинг белидаги белбоғини ечади. Ҳар бир шайх муридларининг белбоғида ўз белгилари, рамзий ранглари, тимсоллари бўлган. Биров кўк, биров зангори, биров яшил рангдаги тўн ёки кулоҳ кийиб, шу орқали қайси шайх сулукига мансублигини билдирган. Маросимдаги сув-ёруғликни, туз-фаровонликни, ҳолва-дўстлар оғзини ширин қилиб юришликни англатган. Белбоғ ечиладиган кунда қуйидаги одатлар амалга оширилади. “Машғал билан ёритилган саҳнда ахий биродарлар девор бўйлаб ярим доира тутиб, ўнг қўллари тиззаларини кучиб ўтиради. Жарчилар ахий оқсоқоли ёнига келиб, бир коса сув ва бир чимдим туздан беради. Оқсоқол сувга туз солиб, косани баланд кўтаради.

-Ассалому алайкум, солики ҳақиқатлар!

-Ориф ва зоҳидларни раҳмат қилсин, келиб-кетганларни раҳмат қилсин!

Ахийлар оқсоқоли шайхдан бошлаб, ҳаммага бир-бир коса туттади. Косани икки қўллаб олиб, оз-оздан ичишади. Оқсоқол косани жарчига топшириб, ўзи ўртага чиқади. У устоzi ва оға ва иниси, ахий ҳамроҳлар биродарларини гилам устига ўтқазади ва ўзи ҳам ёнига тиз чўқади. Ахий оқсоқол айтади: “Сен ахийлик йўлига кирмоқчисан, аё қалбинг кулоғи хушёр тортгай, ахийлик йўли оғир ва сермашаққат. Қалби ва қўлининг қаттиқлигига инонмаганлар бу йўлга кирмасин, илло зиёда эмас, забун бўлгайлар. Бизнинг йўлимиз-риоя, имон ва урфон йўли. Ахида ёпиқ ва юмуқ учта: Тил, камар, кўз. Ахида очик тўртта: қўл, юз, дастурхон, юрак. Юриш қондаси бешта: юрганда кибру ҳаво қилиб юрмаслик, атрофга алангламаслик, бошқалар ортидан кузатмаслик, кексаларни қувиб ўтмаслик, шерикларини куттириб қўймаслик”. Устоз шогирдининг қўлини қийиқча билан ёпади. Биродар ҳамроҳлар унинг этагини бўшатиб, қийиқча устига қафтларини босишади: “Азиз ўғлонимиз, ҳурмат айлаким, ҳурматга ноил бўлурсан, минбаъд ҳасад, кибру ҳаво, чақимчилик, танбеҳу писанда, нафрат бегона бўлсин. Ҳаммадан сўздан тонишдан сақлан. Белингга боғланажак камарни мўътабар тутгайсан! Пайғамбар шамширидек шамшир, орифлар ақлидек ақл, йўлдошлар камолдек камолга етгайсан”. Устоз кенг, узун камар билан уни белини сириб боғлайди. Учини уч тугун қилиб боғлайди. Гиламдан пичоқдек ясси ханжарни олиб, камарга қистиради: “Ҳақ йўлига кирдинг, биродари Али Муҳаммад! - эълон қилади ахийлар оқсоқоли. - Илоё саъй-ҳаракатинг қабул бўлғай, илоё муродингга етгайсан, шарафга ёр, орифларга мададкор бўлғайсан”. Ахийлар бараварига “Ҳу-й-в” дейди. Уларни ялпи меҳнат ва ялпи биродарлик бирлаштириб турар эди.”

Сайид Ала ал-дин ал-Хусайний ал-Радавийнинг “Мифтах ал-Дахаин” номли асарида, хунармандчилик устахоналаридаги футувва урф-одатлари батафсил ифода этилган, бунда ахийликка қабул қилишнинг 9 босқичи қайд этилган. Шулардан дастлабки 3 босқичига нозил, нимтариқ ва муайян бестлар кирган. Иккинчи учликка шогирд, малакали ишчи (халифа), кейинги уч босқичга маросимларни олиб боровчи усталар: нақиб, бишравиш (яъни нақибнинг ёрдамчиси) ва бош нақиб кирган (нақиб ал-нукуб); юқори босқичда (7 дан 9 гача шайхлардир) шайхлардир: шайхларнинг вакили “халифа”-шайх, Ахи ва шайхил-шуюх деб улуғланган. Табақанинг 7 босқичидаги Ахи “футувват”нинг босқичларини тўлиқ эгаллаган хунармандчилик устахонаси вакилидир. Ундан ташқари, хунармандчилик устахоналари вакиллари уч синфга бўлиниб, улар қавли, шурби ва сайфилардир. Қуйи синф фақат сўзлаш ҳуқуқига эга бўлган. Тўлиқ аъзолар ўрта босқичда турган. Бу синф анъанавий пиёла кўтариш маросимида иштирок этган қабул қилинувчи шогирд йўл отаси сифатида ўзига устоз танлаган, йўл қардошлари икки киши бўлиб, бу икки киши футувват йўлини забт этишда шогирдига ёрдам берган.

Футувват биродарликлари хунармандчилик ташкилотларининг ифода этувчи қимматли ҳужжатлар Абдурахмон Жомийнинг жияни Камол Али Дин Хусайин воиз Кошифийнинг (910/1505) “Футувватномаи султоний” асарида янада батафсилроқ ёритилган. Хусайин Воиз Кошифийнинг айтишича, “нақиб” арабча сўз бўлиб, синовчи, танийдиган маъноларини англатади. Нақиб олим бўлмоғи ва ўз илмига амал қилмоғи зарур. Аҳд отаси эса фарзандни аҳд-у паймон билан боғловчи кишидир. Тариқатнинг аҳдномаси муриднинг гувоҳлар қуршовида жавонмардлик хирқасига киришидир. Футувватга талабгор одамнинг белини боғлайдиган одамни устоди шодд (аҳд вафо устози) деб атайдилар. Бел боғлашга нисбатан айтиладиган шадд аҳд-вафо белгисидир. Хуфя шодд – кўнгил сирини фош этмаслик ва ботиний ва зоҳирий ёр-у биродарларига муҳаббатли бўлиш. Мовароуннаҳр, Хуросон, Табаристон, Ироқ ва Ажамнинг бел боғлаган мардлари далолати Салмон Форсийга тегишли, Миср, Искандария, Ҳалаб ва унинг атрофи далолати, Давуд, Рум ва Мағриб аҳли ҳамда Озарбайжон Сухайил Румийга, Яман, Адан, Барбар, Ҳиндистон, Чин чегараларининг бел боғлаган мардлари Абдул Муҳажжонга бориб тақаладилар.

Араб тилида “хуфия”нинг маъноси “ёғоч” демак, шод ҳолваси шунақа ёғоч идишларда таёрлангани учун уни „хуфия ҳалво„ деб атайдилар. У тоза ёғ, хурмо ва нондан таёрланади. Бу оловда пишган ҳолвадир.

Беш пиликли чироқнинг маъноси нима, деб сўрасалар, бу кўнгил фироғини муҳаббат билан ёқишга ишоратдир. Шадд устоз ва шогирд орасидаги шарт: шогирд бир минг бир кун устозини хизматини қилиши лозим.

Футувват йўлидагилар худо ва шариат номи билан иш кўради. Шунга кўра пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.)дан сўнгги халифаларга футувват вакили сифатида қаралган. Салжуқийлар даврига келиб, футувват вакиллари

кийимларида ўзгаришлар юзага келган.Ибн Бибнинг “Рум салжукийлари”асарида қайд этилишича, Халифа ан-Наср номи билан Румда иш кўрган Иззатдин Кайкавус мерган Ажжубиддинга бир ўқ билан осмондаги турнани уриб туширгани учун унга футувват либосини тақдим қилган.

Тарихчиларнинг қайд этишича, Халифа ан-Наср футувват вакили бўлганлиги,унинг даврида бутун мусулмон оламида футувватнинг кенг ёйилганлиги Ибн ал-Маъмурнинг “Китоб ал-футувва”сида айтилади.Бу даврда Халифа ан-Наср билан боғлиқ қуйидаги футувват оқимлари юзага келди: сухравия, хошимия, мовлавия, рахасия.

IX-XII асрларда футувват биродарлиги шаҳарларда ҳунармандлар, савдогарлар, аскарлар орасида кенг тарқалган бўлиб, ҳар бир ҳунар соҳибининг ўз пири бўлган.1.“Билол Ҳабаш”-муаззинлар пири (Дамашқда). 2.Барид Ислон Шайхонтохур- санжокдорлар пири (Марвда), 3.Зунун Мисрий- шоирлар ва табиблар пири(Қоҳирада),4.Ҳасан Басрий-машойихлар пири(Бухорода),5.Абдуллоҳ Аббос-муфассирлар пири,6.Малик-баҳодирлар ва ғозийлар пири, 7. Жавонмард Қассоб-қассоблар пири, 8. Абу Зоир Жафари-ралондозлар пири, 9. Умар Эмир Бойбар-зироаткорлар пири, 10.Адиб Ҳаббос-баққоллар пири,10.Саломон Куфий-соқоллар пири,11.Абу Умар Абдуллоҳ-ошпазлар пири.12.Муҳсин Усмон-ҳаммолчилар пири,13.Абдуллоҳ Восити-тоқиядўзлар пири. 14.Умар Амир ал- Фарра-қўриқчилар.15.Муслим Абдулҳофиз-ҳофизлар пири,16.Ҳасан бин Собит-шоирлар пири,17.Абу Зиёд Муслим Ҳаддод-темирчилар ва чилангарлар пири,18.Абилқосим Жаббор-игначилар пири,19.Насиб Абдуллоҳ-курувчилар ва заргарлар пири, 20.Ҳусайин Басрий ҳолвачилар пири, 21.Қусам Абдуллоҳ Басрий- атторлар пири, 22.Маҳмуд Ямани-ковушдўзлар пири, 23.Носир Хунди-фарошлар пири ва ҳакозо.Футувват вакиллари орасида такаллуфли бўлиш унчалик муҳим бўлмаган, бироқ курашувчанлик ва юксак саховат кадрланган айнан шу хусусиятдаги футувват, Ўрта асрлар Ислон оламида кенг тарқалган бу Эрон ва Мовароуннаҳрда ҳам форс зодагонлари орасида кенг ёйилган ва бу ҳақда асарлар яратилган. Масалан, “Қобуснома”, “Насиҳатнома”шулар жумласидандир. Кайковус Искандар (1049-1069) 44 бобдан иборат,“Қобуснома”китобида футувватнинг арконларини келтиради.Асар Оғаҳий томонидан туркий тилга таржима қилинган.

Дастлабки вақтда футувват курашчи маъносини берса-да, кейинчалик инқилоблар оқимига ҳам бурилиб кетганлигини кўришимиз мумкин.Жумладан, мамлуклар, саффорийлар, сарбадорлар, Абу Муслим бошчилигидаги аббосийлар ҳаракатларини келтиришимиз мумкин.Айтиш мумкинки, X-XI асрларда зодагон курашчилар орасида футувват ва турувва тушунчалари тарқалган. Машҳур араб жангчилари ва қадимги араб

зодагонлари ўзларини фата деб билганлар. Ўрта асрлар ислом дунёсида бу тушунчанинг маъноси ўзгарган ва Ислом суфизмига яқин тушунчани англатган. Суфизм футувватнинг маъносини янада кенгайтирди ва “инсон барча манфаатлардан воз кечиб, одамларни афзал деб билмоқ” ғояси пайдо бўлди. Футувват вакиллари орасида ҳамма нарсани бермоқ, ҳеч нарсани олмаслик, ҳамма бир киши учун, бир киши ҳамма учун, ҳамма ғаразлардан воз кечиб, одамларни афзал деб билмоқ каби қонунларга амал қилинар эди. Суфизм ва футувват ўртасидаги муносабат ва бу атамаларнинг маъноси ҳақида ўз даврининг суфий вакиллари қуйидагича таъриф келтиради: ”Суфизм ва футувват иборасида умумийлик мавжуд ва иккаласининг ҳам ўзига хос туб мақсадлари бор. Футувват инсонийликка етишиш ва инсонни улуғласа, суфизм Оллоҳга эришиш ва Оллоҳни улуғлайди”

Вақт ўтиши билан 319 йўналишда жасур ва курашчан футувватдан кўплаб суфизм йўналишлари пайдо бўлди. Аксарият суфизм ёзувчилари футувват билан суфизмни бир хил тарзда тушунтира бошладилар. Футувватнинг хусусиятлари жуда кўп, унинг ички хусусияти қуйидаги учтадир:

1. Жаҳлни тийиш.
2. Душманликка қарши яхши маслаҳат.
3. Инсонпарварлик.

Абу Ҳасан Нурий айтади: “Футувват бу сенга нимаки оғир келса, сен уни хурсандчилик билан кутиб оласан”. Шайх ал-Мороний “Футувват нубувванинг бир шохобчаси, тариқат эса бутун нубуввадир”. Тариқат қоидалари чексиз ва чегарасиз, бироқ футувватнинг ўн икки қоидаси бор, олти ташқи ва олти ички.

Ташқиси:

1. Зинодан тийилмоқ.
2. Нафсни тиймоқ.
3. Тилни тиймоқ.
4. Қулоқ ва кўзни ёпмоқ.
5. Қўл ва оёқни тутиб турмоқ.
6. Қизғанчиқлик қилмаслик.

Ичкиси:

1. Сахийлик.
2. Олийҳимматлилик.
3. Итоаткорлик.
4. Ҳамдардлик.
5. Манманликдан қутулиш.
6. Худони таниш ва унга яқинлашиш.

Шайх Жунайид айтади:” Тарикат шариатнинг мияси, ҳақиқат эса тарикатнинг мияси. Тарикат денгиз, шариат эса денгизнинг суви тўпланадиган жой. Ҳақиқат ҳам бир денгиз, тарикат эса ўша денгизни тутиб турувчидир. Футувват эса тарикатнинг бир бўлаги. Футувват тарикатдан келиб чиқади. Ахдда тарикат ва футувват ўртасида фарқ йўқ. Тарикат илдизи ҳирқади. Футувват илдизи эса ғайб футувватга шолвар тегишли, тарикатга эса ҳирқа. Шолвар эса ҳирқанинг битта қисми. Қайсики футувват тарикатнинг бир қисми бўлганидек”.

Жомий ўзининг „Нафоҳат ул-унс“ асарида футувват тарикатнинг бир қисми бўлган дейди ва шундай ёзади:” Футувват кишилари жавонмардликни бўйнига олдилар. Аммо футувват шартларини эмас. Футувватнинг энг севимли даражаси бўлган Жаброил даражасига ҳеч ким кўтарилмаган”. Ҳасан Басрий айтади:“ Нубувванинг парвардаси футуввати соҳиби-садир ва соҳиби-суннатдир”

Демак, тасаввуф тарикатнинг бир қисми бўлганидек, футувват ҳам тарикатнинг бир қисми бўлиб, иккаласини ҳам бириктириб турган муаммо – бир мақсад, яъни инсоннинг руҳий камолоти ва ўзлигини англашга бўлган интилишидир.

IX-XII асрларда Мовароуннаҳрдаги ижтимоий ҳаётга футувват таълимотининг таъсири

Ўрта Осиё давлатларида IX-XIII асрларда тасавуф таълимоти ривожланди. Рус олими И.М. Петрушевскийнинг қайд қилишича, инглиз шарқшуноси Р.Николсон XI асргача бўлган ёзма манбаларда “суфизм” тушунчасининг етмиш саккиз маънодаги талқинини аниқлаган экан. Биз қуйида кўриб ўтмоқчи бўлганимиз ”футувват-жавонмардлик” таълимоти ҳам юқорида саналган маъноларнинг биридир. Бизга малумки жамиятда райдо бўладиган ҳар бир ғоя ўзининг ижтимоий долзарблигига кўра маълум бир гуруҳ, қатлам эҳтиёжларига хизмат қилади ва шу гуруҳ ва қатламнинг маънавий қуролига айланади. ”Футувват-жавонмардлик” таълимоти ҳам ўз навбатида X-XIII асрларда Мовароуннаҳрдаги маълум бир ижтимоий қатламга хизмат қилди ва ушбу қатламнинг маънавий йўлбошчиси вазифасини ўтади.

Арабистон ярим оролида VII асрнинг ўрталарида сомий қабилалари ислом дини остида ғарб ва шарққа қараб ўз ҳудудларини кенгайтиради. 651 йил Марвни эгаллаб, Мовароуннаҳрни забт этишининг асосий таянчига айлантирдилар. Уруш ҳаракатлари икки босқичда олиб борилиб,

1- босқич - 654-704 йилларни ўз ичига олиб, асосан талончилик ва синов тариқасида;

2-босқич - 704-715 йиллар орасида Қутайба ибн Муслим Хуросон ноиб этиб тайинланган ва Мовароуннаҳр тўлиқ Араб халифалиги таркибига киритилган даври.

Араб мустамлакасидан кейин(IX аср охирида халифалик парчаланиб кетиб, Боғдод ва Икки дарё оралиги атрофида сақланиб қолади) XI-XII асрларда Мовароуннаҳрни сомонийлар (865-999),газлавийлар (962-1186), салжуқийлар(1040-1160), қорахонийлар (990-1141) ва хоразмшоҳлар сулоласи (1097-1231)навбат билан ўз ихтиёрига бирлаштирганлар. Бу даврда Марказий Осиё халқларининг ўзига хос маънавий ҳаёти юзага келади ва “Илк уйғонини даври” номини олади. Бу даврда, савдо–сотиқ, ижтимоий -сиёсий ҳаёт билан бир қаторда маданий алоқалар , билим ўчоқлари ривож топди.Қадимий “ Буюк Ипак йўли” анъаналарини давом эттирган ҳолда, Марказий Осиё бу савдо йўлининг чорраҳасига айланди. Бу даврда Марказий Осиёда халифа Маъмун академиясида хизмат қилган Муҳаммад ал- Хоразмий ва Фарғоний, ҳадисишунос олим Исмоил ал-Бухорий ва Термизий, Абу Носир Фаробий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний,Исмойил Журжоний, Бурҳониддин Марғиноний, Маҳмуд аз- Замахшарий ва Маҳмуд Қошғарий каби улкан олимлар етишиб чиқди.

Феодал давлатларнинг ўзаро урушларига қарамай, меъморчилик қурилишлари, ҳунармандчилик, ободончилик, маданий алоқалар ҳам тез суръатлар билан ривожланди.

Шу билан бирга Марказий Осиёнинг жуда катта минтақаси билан мусулмон давлатлари ўртасида диний алоқаларининг кучайиши бу маданий юксалишида муҳим сабаб бўлиб хизмат қилди. Мовароуннаҳр мустақилликка эришиб, сомонийлар давлатининг қарор топиши ва унинг равақида ислом дини руҳонийларининг ҳиссаси катта бўлди. Сомонийлар пойтахти-Бухоро шарқда ислом динининг энг нуфузли марказларидан бирига айланди.

Шаҳарларда кўплаб ибодатхоналар, шу жумладан, жомеъ масжид, хонақо (ғарибхоналар) ва намозгоҳлар бино қилинди.Мамлакат маънавий ҳаётида асосий ўрин тутган ислом мафкурасига бу даврда „устод“ деб аталган дин ва илм пешволари раҳнамолик қилар эди.Кейинчалик бу ном ўрнида “шайхулислом”номи қўлланила бошлади.

IX-XII асрларда Мовароуннаҳр ва Хуросонда айниқса шаҳарлар кенгаяди.

Самарқанд, Бухоро, Термиз, Ўзган, Тошкент каби шаҳарларда, Урганч, Нишопур, Балх каби марказий шаҳарларда китоб дўконлари, турли ҳунармандчилик шакллари ривожланди.IX–XII аср маънавий ҳаётида ислом дини муҳим ўрин эгаллаб жаҳон дини даражасига кўтарилди. Ислом мафкурасига асосланган тасаввуф таълимоти XII асрлардан бошлаб Марказий

Осиёда ҳам кенг тарқала бошлади. Хусусан, Юсуф Ҳамадоний (1048–1140) Бухорода тасаввуф таълимотини ўрганиш, тарғиб этишга муҳим ҳисса қўшган. Ҳамадоний Хўжа Аҳмад Яссавий (1166 йилда вафот этган) дан таълим олиб, тасаввуф сирларини ўрганди. Ҳамадоний таълимоти асосида Абдулҳолик Ғиждивонийнинг “Ҳожагон” тариқати вужудга келди. XII асрда Хоразмда ҳам тасаввуф илми кенг ёйилиб, Нажмиддин Кубро (1145–1221) бошчилигида тасаввуфнинг кубровия оқими шаклланади.

IX–XII асрларда Мовароуннаҳр бутун мусулмон оламида илмий, маданий жиҳатдан энг ривож топган ўлка сифатида машҳур бўлиб, бу ерда ҳадисшунослар ва Ислом фикҳшунослик мактаблари ривожланди ҳамда ушбу фанларга оид муҳим асарлар яратилди. Аҳмад ибн Ушар Абдул Жанноб Нажмиддин ал-Кубро ал-Ҳиваний ал-Хоразмий Ҳиван шаҳрида 1145-йили таваллуд топади. Мисрда Рузби хон ал-Ваззона ал-Мисридан таълим олади, Эрон ва Табризда Абу Мансур Хавдан таълим олиб, Аммара Ясира Касирдан ҳирқа кияди.

Тарихий воқелик шундан далолат берадики, Шарқ уйғонишининг биринчи босқичи деб ном олган IX асрнинг II ярми ва X асрдан бошлаб Турон заминда футувват илми жавонмардлик тариқати кенг ёйилган ва оммавий тус олган эди. Унинг асосини оддий раият ичидан чиққан ҳунармандлар, санъаткорлар, дорбозлар, қизикчилар, сипоҳийлар, паҳлавонлар ва шу каби эл-улуснинг барча тоифа вакиллари ташкил этган эди.

Футувват инсон руҳини тарбиялашга қаратилган илм бўлиб, тасаввуф ва тавҳид илмидан озуқа олади, уларнинг ҳаётийлигини таъминлашга хизмат қилади. Бу ҳақда араб саёҳи Ибн Батута (XIII аср) ўзининг „Сафарнома“ асарида қуйидагича гувоҳлик берган: “Турк оламида жавонмардлар кўпроқ ахий номи билан машҳур бўлган”. Алишер Навоий ўзининг “Маҳбуб ул-қулуб” асарида “Битта кулчани иккига бўлиб, ярмини мухтожга берган сахий, ўзи емай ҳаммасини мухтожга берганни ахий деб бил” деб келтиради. Ҳусайин Воиз Кошифий биринчи бел боғлаганлар қуйидаги ўн етти киши деб айтган: Салмон Форсий, Абузар Ғаффорий, Аммор Ёзар, Миндор Асвад, Ҳусанн Собит, Абубайд Жарроҳ, Жобир Ансорий, Суҳайил Яманий, Муслим Шаккий, Малик Аттор, Довуд Мисрий, Суҳайил Румий, Амру бин Умия, Сайф Яманий, Қанбар Али, Жавонмард Қассоб, Абу Муҳанжон. Хуросон, Ирок, Мовароуннаҳр аҳлининг футувват вакиллари Салмон Форсийга бориб тақалади. Ислом оламида ҳар бир бели боғланган киши комил, мард ҳисобланган.

Мовароуннаҳр жавонмардлари муайян қоида-талабларга риоя этганлар, нима иш билан шуғулланмасинлар, мардлик ва олийжаноблик намунасини кўрсатганлар. Уларнинг ҳар бирини ўз жамоаси, пири, таълим берувчи

устозлари, йиғиладиган жойлари бўлган.Пирга қўл берган ва устоз олдида аҳд-у паймон қилиб, мардлик белбоғини белига боғлаган жавонмард бир умр аҳдига содиқ қолишга интилган.

Мовароуннаҳрга ислом футуввасининг кириб келишини Муҳсин Зокирий “Аёрлар ва футувватларнинг келиб чиқиши” асарида (The Origins of Ayyaran ond Futuwwa) мусулмон ҳарбий лашкарларини Мовароуннаҳрга кириб келиши билан боғлайди. Жумладан, бу даврнинг ижтимоий тарихида илк исломни қабул қилган айёорлар муҳим ўрин эгаллаб, бу гуруҳнинг асосий қисмини мусулмон лашкарлари, қўриқчилари ва миршаблари ташкил қилган. Булар қаторига Басра, Куфа каби асосий шаҳарлардаги ёлланма аскарларни ҳам киритиш мумкин. Олийжаноблик, ижтимоий идеаллик ва инсоний фазилатлар, жасурлик уларга хос хислатлар эди ва уларнинг ғоялари ижтимоий-сиёсий ҳаётга футувват таълимотининг кириб келишига асос яратди. Бу футувватга хос хусусиятлар деҳқонлар (деҳқон-илк ўрта асрларда “қишлоқ ҳокими” маъносида қўлланилган) томонидан ўзлаштирилиб, улар орасида шурби ва мутазалиҳ оқимлари вужудга келди. Мусулмон ҳукмронлиги Мовароуннаҳрда ўрнатилган бўлса-да, арабларнинг ҳаёти хавфдан холи эмас эди. Мовароуннаҳр ва Хуросонга кириб келган араб ва ажамликларнинг (эронлик) кўпчилиги Хуросонда илдиз отиб қишлоқ хўжалиги ва савдо билан шуғуллана бошлади. Ал-Муҳаммад ал-Саффай Хуросон ноиби бўлганда унинг қўшинида сосоний айёрлар, эфталлар ва хуросонликлар ҳам бор эди. Қутайба ибн Муслим (704-715) Хуросон ноиби этиб тайинланган ва у эрон айёрларини араблардан жасурроқ деб баҳолаган. Қутайба ибн Муслим Хуросондаги ўн икки йиллик ҳукмронлиги давомида илк маротаба Араб қонунларини жорий эта олган ва унинг таъсирини Ўрта Осиёга ёя бошлаган. Бу вақтда Мовароуннаҳр шаҳарларида, арабларнинг ички низоларидан фойдаланиб, ўз мустақиллигини қўлга киритишга ҳаракатлар кучайди. Жумладан, Бухоро малики Вадал Кҳида Қутайба ибн Муслимга қарши 708 йилда бош кўтаради. Бироқ қўзғолон бостирилган.

Бухорода исломнинг кенг ёйилиши ҳам Қутайба ибн Муслим ҳужуми билан боғлиқ. Мовароуннаҳрда араб ҳокимиятни ўрнатиш ерли аҳоли ёрдамисиз амалга ошмаслигини пайқаган Қутайба ибн Муслим воҳани тўлиқ эгаллагандан сўнг, ерли зодагонлар билан яхши муомалага киришиб, ишончларини оқлашга ҳаракат қилди. Шу тариқа Сумал Кухда (сомонийлар авлоди) исломни қабул қилганлиги учун унга ўз ҳудудлари қайтариб берилди, шу билан бирга араб ҳарбийларига хос бўлган фитиян қонунлари (сайфи) ерли зодагон деҳқонларга ўз тилларига мос равишда “сайфи” атамаси билан эмас, балки “шурби” тарзида кириб келди.

Қаерда футувва ёйилган бўлса, у турли хил ижтимоий гуруҳларга ҳам ўз таъсирини ўтказди ва хунармандлар орасида ҳам ёйилди ва шу сабабли шаҳарларда, асосан, хунармандчилик устахоналарида жавонмардлик арконлари жорий этилди. Бу ҳақида тожикистонлик олим Вазиров қуйидагиларни келтиради: “Бу жараён ислом мамлакатларини қамраб олди. Қайд қилиш мумкинки, Салжукийлар даврида у шаҳар хунармандлари орасида кенг тарқалган бўлиб, футувва вакиллари кўпроқ турк оламида “ахи” лар деб номланган.

“Ахи” сўзи қон-қариндош, биродар ва аҳиллик маъноларини англатади. Бу даврга келиб, футувват таълимоти оммавий тус олиб зодагон ва ҳукмрон табақа вакиллари орасида ҳам кенг тарқалди, эзгулик ва олийжанобликнинг энг нозик тафсилотларга молик бўлган сарой футувваси юзага келди. Бунга мисол тариқасида Салжукийлар султони Изалдин Кайковуснинг халифа ан-Насрдан футувватнинг либосини қабул қилганлигини кўрсатиш мумкин.

Унинг ворислари даврида, яъни Алоуддин Қайқибод замонида машҳур шайх Абу Нафс Умар ал-Сухровардни халифа Ан-Наср Алоуддин Қайқибод ҳузурига вакил сифатида юборади ва сарой аҳли орасида футувват урф-одатларининг тарқалишида ўз ҳиссани қўшади. Футувватнинг сарой аҳли орасида тарқалганлиги ва ривожланганлигининг ягона сабаби бу эмас, албатта. “Эронда футувватнинг бундай шонли шамоли шарқий Эронда (Мовароуннаҳр ва Хуросонда) Анталияга қараганда анча илгари кириб келган эди. Тарихда аввал форсийларда, кейинчалик туркийларда қаҳрамон даражасига кўтарилган (Сайид Баттал сингари) ва Уммавийларга қарши Аббосийлар кўзғолонинг ташвиқотчиси бўлган Абу Муслим томонидан футувват қонун-қоидалари кириб келган эди. Сайид Баттал ҳақ дин учун курашганларнинг тимсоли бўлса, Абу Муслим “ахий” ларнинг тимсоли сифатида баҳоланган. Шу ўринда Абу Муслимнинг образи яратилган ҳикояларга кўра, “ахий”ликнинг Мовароуннаҳрга кириб келиши унинг номи билан боғлиқ. Аббосийларнинг ҳокимият терасига келиши Хуросон ва Мовароуннаҳрда футувватнинг Абу Муслим томонидан кенг ёйилишига олиб келди. Франс Тешнернинг фикрича, уммавийлар сулоласига қарши аббосийлар тарафидан туриб тарғибот олиб борган Абу Муслимнинг Мовароуннаҳрдаги ғалабаси, бу ҳудудда футувватнинг ўзига хос ғалабаси ҳам эди. Франс Тешнер Мовароуннаҳрда ва Хуросонда унга ёрдам берган сафдошларини ҳам футувват вакиллари сафига қўшади ва уларни турк футувватининг қуроллари деб баҳолайди.

Абу Муслим шу даврда Хуросон ва Мовароуннаҳр халқлари орасида етарли обрў-эътиборга эга эди. Шу ўринда “ахий” сўзи ва ахий вакиллари тўғрисида қуйидагиларни қайд этиб ўтиш ўринли: ахий биродарларининг ўз юмушлари бор еди. Шайхлар хонақоҳларда ўз издошларига ахийлик урф-одати

ва қоидаларидан таълим берганлар. Шундай шайхлар қаторида араб тилида “Китоб ал- футувват”ни ёзган Ахий Аҳмад ал Муҳибни қайд этиш мумкин (бу китоб мазмунан Қуръони Карим ва хадисдан олинган фикрлар ва олийжаноблик хислатлари ифодасидан иборат). Эронда ахийликнинг машҳур назариётчиларидан бири шайх Амир Саид Али яшаб ўтган. Иккинчи Али номи билан машҳур бўлган ватандошимиз Шаҳобиддин Ҳамадоний “Рисолайи футувватия” деб номлаган асарида футувват ва тасаввуфнинг тенглигини эътироф этиб, футувват соҳиби фитиянни “ахий” номи билан ифодалайди. Мовароуннаҳр ахийлари “Эрон ва Анталияларига ўхшаш сиёсатга камдан кам ҳолларда аралашганлар.

Дастлабки вақтларда (ислом юзага келган илк даврларда) туркий ҳарбийларнинг жасорати ва алоҳида қаҳрамонлиги билан белгиланган футувват ахлоқий ва диний қарашлардан йироқроқ турса-да, XI- XII асрларга келиб суфийлик ва футувват жамоаларидаги ўхшашликларни кузатиш мумкин. Суфийлик ғоялари футувват таълимотининг қайта шаклланишига асос яратди. Осиёда катта ҳурмат қозонган суфийлик назарияси асосчиларидан бири юқорида номи қайд этилган халифа Ан-Насрнинг маслаҳатчиси Сухравардийдир. Бунинг бир исботи сифатида суфийлик қоидаларидан бўлган “иснад”нинг футувват учун қабул қилиниши фикримизни маълум маънода тўғри эканлигини исботлайди. Дастлабки вақтда ҳарбий жасоратлари учун Алига, ундан кейин Эрон ва Мовароуннаҳр ҳунармандларининг ҳомийси Салмон Форсийга берилган бундай ваколат ўрта асрнинг ўрталарида ижтимоий ривожланиш натижасида ҳунармандчилик устахоналарини бирлаштириб турган диний-ахлоқий ғоя ва суфий вакиллари орасида тариқатнинг бир қисми, камолотга олиб чиқувчи йўл сифатида талқин этила бошланди. Барча мусулмон давлатларидаги шаҳарларда мавжуд бўлган ҳунармандчилик устахоналарида фаолият кўрсатаётган ҳунарманд фата вакиллари дарвешлар ва хонақоҳларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турганлигини ҳам кузатиш мумкин. Илк ўрта асрлардаги ҳунармандларнинг футувват билан боғлиқлигини кўрсатиш қийин. Аммо IX асрнинг бошларида ҳунармандчилик устахоналарининг ташкил этилиши, синовдан ўтаётган шогирднинг саволлар мажмуаси ва жавобларидан иборат устахона ҳужжатлари “Футувватнома” деб номланган.

Сайид Муҳаммаднинг “Буюк футувватнома”сида футувватнинг барча амаллар учун мажбурий асос бўлган диний-ахлоқий талаблари билан биргаликда, аҳиллик, касбга садоқат, савдода ҳалоллик, барча ижтимоий муносабатлар ва вазифаларни сидқидилдан бажаришга катта эътибор қаратилган. Бундан ташқари, устахоналардаги тартиб -қоидалар, кунлик

ижтимоий заруратларнинг (жумладан, юриш одоби, уйкуга ётиш одоби, тозаллик билан боғлиқ юмушлар) нозик жиҳатларигача эътиборга олинган. Зодагонлар орасида меҳмон кутиш, меҳмонга бориш одоби, ота-онага ва фарзандларга муомала одоби, хунарли бўлиш одоби, ҳарбийлар орасида қилич тутиш ва жанг қилиш одоби ва шу кабиларнинг барча тафсилотларини жувонмардлар эътиборга олганликларини эътироф этиш лозим.

Кейинчалик Хоразм шоҳлигининг тугатилиши билан ва мўғулларнинг Мовароуннаҳрга босқини натижасида футувват таълимоти ҳам ижтимоий ҳаёт ва маънавиятнинг кўп тармоқлари сингари заволавор топди.

IX-XII асрларда Мовароуннаҳрда футувват таълимотининг фалсафий хусусиятлари.

Мовароуннаҳрда футувват таълимотининг фалсафий хусусиятларини тадқиқ этишда, аввало, футувват вакиллари амал қилган ички қонуниятларни кўриб чиқиш муҳимдир. Футувватга оид атамалар Франс Тешнернинг китобида қуйидагича изоҳланади: **буют** – уй, битта жамоа учун ном; **нисба** - тегишли бўлиш, келиб чиқиш - фатанинг қайтиши, ўз-ўзини англаш, авлодларнинг келиб чиқиш шажарасини билиши; **нисб** - жамият, бир киши томонидан, битта шахсга тегишли ном билан бошқариш; **азҳаб**- ашаб, бир-бири билан бирлашмоқ ва мажлис ўтказмоқ (кўплаб азҳаблар битта жойда йиғилишлари мумкин); **кабир** - катта, жамоа орасидаги кекса киши (барча унга бўйсинадиганлар унинг ўғли деб аталади. Ундан ташқари, у яна қуйидаги номлар билан ҳам аталади: шайх муқаддам, заим ал-қоим(жамоабошлиғи) жадд- ката ота, кабирнинг – кабири);

- **рафиқ** - қутқарувчи дўст. Ҳамма футувватга тегишлилар учун битта ном, улар бир бирига рафиқлар дўстлардир. Рафиқлар бир-биридаги айбларини яшириши, ёмонлардан асраши, яхшилигини миннат қилмаслиги керак. Улар кимда ким биродарига тухмат қилса, Худо ҳам унга тухмат қилади, ким биродарига ёрдам берса, Худо ҳам унга ёрдам беради, кимда-ким дўстининг гуноҳини яширса, Худо ҳам унинг камчилигини яширади деб билганлар.

- **мусабил**- йўлдош маъносини англатади, битта кабирдан қўл олган иккита шогирд.

Нақиб- гуруҳ раҳбари,

Шодд - бел боғлашнинг бошланиши.

Такмил - тугаши

Машдуд- синалган.

Мукаммал-кабир мақомига эришган, футувват либосини беришга ҳақли киши.

Шурб -ичимлик.

Накла-ўтиш.

Бу атамалар футувват ва футувват жамоалари ўртасидаги муносабатлар ҳақида тасаввурга эга бўлиш имконини беради. Футувват вакилларининг фалсафий қарашларида Ислом дини фалсафаси мавжуд. Ислом динини янги мусулмонлар тан олиши учун даслабки вақтларда маҳаллий аҳоли жузъя солиғидан озод қилинган. Бу ҳолат кейинчалик араб ҳукумдорларининг даромадларига моддий жихатдан зарар етказади. Оқибатда янги маҳаллий мусулмонларни тан олиш учун энг юқори талаблар қўйилган. Ҳукмрон доиралар диний расм -русумларни тўғри ва тўлиқ ижро этиш, Қуръондан битта сурани тўлиқ ёддан билиш каби шартларни қўяди. Бу маҳаллий аҳоли орасида ислом фалсафасининг тез ёйилишига ва мукаммал ўрганилишига сабаб бўлди.

Исломда илк илоҳиёт оқими – “муътазалия”га (ар. “ажралиб чиқиш”) Ҳасан ал-Басрий асос солган (641-728). Аббосийлар сулоласи уни қўллаб -қувватлайди. Улар антик дунё фалсафаси билан ислом фалсафаси ва мантиқни ҳам уйғунлаштириб талқин этишга уринадилар. Бу таълимот мўғуллар даврида таъқибга учраб, Мовароуннаҳрда XIII аср охирларигача мавжуд бўлади. Бу таълимотнинг вакилларида бири Маҳмуд аз -Замахшарийдир.

Мовароуннаҳрда кенг ёйилган илоҳиёт илми ортида Абу Ҳанифа туради. Абу Ҳанифа исмлари Нўмон ибн Собит ал-Куфийдир, “Имом Аъзам” номи билан ҳам машҳур. Бобоси Қобулдан. Абу Ҳанифа 80 ҳижрий йилда Куфада туғилиб, 150 ҳижрий йилда вафот этган. Ўзлари асли форс бўлиб, араб диёрида туғилган. VIII-IX асрларда Абу Ҳанифа таълимоти ҳеч қаерда Хуросон ва Мовароуннаҳрдагичалик тарқалган эмас. Бухоро ва Самарқанд каби шаҳарларда маҳаллий аҳоли Абу Ҳанифа таълимотини бирмунча кейинроқ қабул қилишди, IX асрга келиб эса кенг ёйилди. Абу Ҳанифа Қуръон ва суннатга тўлиқ таянади. Абу Ҳанифа “Худо инсонларни ўзига сажда қилиш учун яратди ва уларга итоат йўлини кўрсатди... барча пайғамбарлар дини битта, улар ўрнатган диний қоидалар турличадир... оддий инсонлар имони малоиклар, пайғамбарларга тенг. Фарқ фақат итоатдир ” деб билади. Абу Ҳанифа давомчилари Абу Бахс Ас-Самарқандий (881) , Абу Мут Макҳил ан- Насафий (930)лардир. Абу Мут Макҳил ан- Насафий ”Оллоҳ ўзи яратганларини ўз ҳолига ташлаб қўймайди. У уларни ибодат ва итоатга ундаш учун ўз расулини юборди ” дейдилар.

Ал –Ҳаким ас-Самарқандий “ Китоб ас-савад ал-Аъзам ” асарида “ Имон ҳар вақт қалб ва тил воситасида амалга оширилмоғи лозим. Фақат тилда бўлса, бу мунофиқлик, фақат қалбда бўлса, бу куфирликдирки, кишининг нутқий ва жисмоний нуқсонлари бўлса, кечириш мумкин бўлган ҳолатлар бундан мустасно” деб билади.

IX асрда яшаган ватандошимиз ал-Мотрудий ўз таъсир кучини асрлар оша сақлаб қолган ислом фалсафасидаги иккинчи сунний мактаб бўлган калом илмига асос солди. Ал-Мотрудий “ Китоб ат-Тавҳид” асарида “Дин буюкларга эътиқод қилиб, тақлид қилишга эмас, далилларга асосланмоғи керак. Диний маърифатга нақл ва ақл орқали эришилади... Инсон асосан маърифатнинг 3 воситасига эга:

1. Сизги орқали
2. Нақл орқали
3. Ақл орқали

деб билади”. Демакки, ҳар кимнинг ўз футувваси бўлиши керак. Мотрудия мактабининг таснифчиси Абдулмуъмин Муҳаммад ан-Насафий (1114)нинг мулоҳазалари ҳам диққатга сазовор: “Яхши амаллар имонни зиёда қилади, ёмони эса аксинча, уни камайтиради. Бу хорижийлар ёки муътазалийлар каби ёмон амалларни мўминлар жамосидан қувишни англашмайди, итоатсизлик ва анъанавий меъёрларни бузиш имон-эътиқодга зарар келтиради”.

XI асрга келиб исломни қабул қилган марказий ҳудудларга салжуқийлар бостириб киргандан сўнг суннийлик мактабларининг сафи янада кенгайди. XI асрга келиб, бу ҳудудда мотрудия таълимоти ёйила бошлади. Тасаввуф ва тариқатнинг бу даврида ўзига хос фалсафаси юзага келди. Мазкур жараён, ўз навбатида, турли ижтимоий гуруҳларга ҳам таъсир кўрсатди. Устани ўз хунарининг яширин асрорини англашга ундади, бинобарин, у ишлов беришнинг усул ва воситаларини эгаллаб олиши лозим бўлди, яъни модданинг яширин асрорини эгаллаш жараёни уста учун ўз-ўзини англаш жараёни билан уйғунлашиб кетди.

Маҳорат чўққисини эгаллаш тушунчаси каби воҳид ва мутлоқ ҳақиқатни билиш ҳам нисбийдир. Зиддиятларни орадан кўтаришга, яъни мутлоқ ҳақиқатни билишга интилиш, ўз моҳиятига кўра, кузатувчини кузатиловчи билан, англовчини анланувчи билан битта деб қараш футувватнинг ўзига хос хусусиятларидандир.

Мажозий тафаккур тизимининг моддий олам қонуниятларини билишга интилиши ақл бовар қилмас натижаларга олиб келади.

Фалсафий монизм нуқтаи назаридан туриб, оламни бирлиги эътироф этиладиган бўлса (сўфийлар идеалист бўлган ҳолда шу нуқтаи назарда

туришган), равшан бўладики, табиат ва жамиятдаги, шунингдек, шахснинг рухий ҳаётдаги жараёнлар умумий диалектик қонунларга бўйсинади. Футувват вакиллари ушбу рухий ҳолат, яъни микрокосмос сифатида ўз-ўзини билиш билан шуғулланганлар ва шу билан баробар бутун оламни, яъни макрокосмосмосни ҳам англай оламиз деб ўйлаганлар.

Футувват вакиллари юракни ақлдан устун қўядилар, сўфийлар ўз-ўзини англаб кузатиш асосида ишлаб чиққан “қалб фани”дан футувват вакиллари анча орқада бўлган. Бироқ юракдан англаш завқи табиийликка суянар эди, унинг замирида рамзга, мажозийликка мойиллик бор, мажозийлик эса санъат иқлими. Тарикат бир мафкуравий оқим сифатида бошиданок шеърят билан ажралмас бўлиб бирикиб яшади. Бунинг натижаси уларок, Ансорий, Санойй, Фаридиддин Атторнинг мажозий йўналишдаги панд-насихат достонлари юзага келди. Ҳунарга, ерга, ватанга муҳаббат футувват учун ишқ йўлидаги босқичлар эди. Жавонмардлар инсонга муҳаббат қўйиш билан ўз моҳиятига, умуман инсонийлик моҳиятига етишга интиланлар.

Ўз-ўзини идрок этиш ва камолга етказиш йўлининг биринчи шартлари - шариат, яъни Қуръон ва Муҳаммад пайғамбар ривоятларида акс этган қонун-қоидаларни бажариш даври, тайёргарлик босқичи, ислом қонун-қоидаларини ўзлаштирган тақдирдагина тарикатга ўтиш мумкин. Шариат сўфийларнинг мантикий билимларига тўғри келади. Сўфийлар мантикий билимларни рад этмаган ҳолда, уни маҳдуд-чекланган деб қарашади ва у фақат аломатлар, хоссалар, хусусиятларни илғайди деб билишади, жавҳари зотга эмас, сифатга боқади, бинобарин, унинг маҳсули ҳақиқат эмас. Мантикий билим бутунни бўлакларга бўлиш билан, таҳлил билан рўёбга чиқади. Илоҳий ҳақиқат эса ўз моҳиятининг мутлоқ бўлиши билан таҳлилга йўл қўймайди, уни мантикий йўсинда идрок этиш мумкин эмас.

Тарикат вакиллари ақлий мушоҳада ортида тағин бир мушоҳада бор, деб ҳисоблаб, уни илми ғайб деб аташади. Фақат илми ғайб воситасида асрор очилади. Ташқи туйғулар воситасида мантикий қонунларни билиб бўлмаганидек, илми ғайб очадиган нарсаларни мантиқ очолмайди деб билганлар. Э.Е. Бертельснинг (“Избранный труды суфизм и суфийская литература”, М., 1965) айтишича, суфий-шайхлар аслида экстериментал психология билан шуғулланишган. Ўз-ўзини қатъий чеклаш-муракаба ва ўз-ўзини кузатиш-муҳосаба йўли билан мақсадга муттасил интилиш орқали улар ўзларида букилмас ирода, ўлимга ҳам тик кулиб боқувчи сифатларни, бошқаларнинг “ўй-хаёлини ўқий олиш”, ўзида ва ўзгаларда рухий ҳолатларни юзага келтириш малакасини тарбиялашган деб баҳолайди. Ҳақиқат сари элтувчи йўл тўхтам-мақом тимсолини келтириб чиқарган, уларнинг ҳар бири

йўлнинг шу босқичида йўловчига хос бўлган барқарор бир рухий ҳолатни акс этиради.

Йўл бошида биринчи мақом-“тавба” саналиб, рухий ҳолат йўналишини тамом ўзгартиради, йўлга кирувчини энди бутун фикри фақат ҳақиқатга, мутлоққа қаратилади.

“Тавба” мақомидан сўнг “вара” - ҳушёрлик мақоми келиб, у ҳаром билан ҳалолни қатъиян ажрата билишда намоён бўлган. Ҳушёрликдан ўзини тийиш, яъни “зуҳуд” га ўтилади. “Зуҳуд” йўлчини “фақир” мақомига етаклайди. Фақирлик ва ўзини тия билишдан сўнг “сабр” мақоми келади. Бу ерда сўфий машаққатларга чидашга ўрганади., “Сабр” мақомидан “таваккул” мақомига қараб йўл олади. Сўнгги икки мақом тариқатнинг охириги манзили “ризо” га бошлайди, бу “толе олдида хотиржамлик” деб ҳам аталади. Бу шундай рухий ҳолатки, “ҳар нечук зарба ва ҳар қандай зафар хотиржамлик билан қарши олинади.”

Тасаввуф олимларининг фикрича, шу ерда тариқат тугаб, камолга этишишнинг сўнгги босқичи-“ҳақиқат”, яъни ҳақиқий ҳаёт бошланади. Шунга етган сўфий “ориф” деб аталади. Аслини олганда, сўфийлар ҳақиқат босқичида ўз рухий ҳолатларини шундай даражага етказадик, уларнинг онги мушоҳада объекти билан қоришиб кетади.

Футувват вакиллари қарашларида илм билан ахлоқ, ақл билан туйғу, ҳақ-ҳақиқат, ҳақ-адолат ўртасида алоқадорликнинг таҳлилини кўриш мумкин.

“Тариқатга ўтиш махсус кенг билимларга эга бўлишни талаб этарди. Ғайришуурий ҳодисаларни ўрганишда ҳиссий ҳаёт ва тариқат йўлини ҳамма ҳам охирига етиб бормаган. Сўфийлар “Насиба ҳаммага баробар берилади, аммо ҳар ким қурби етганича олади”, – деганалр.

Ягона йўл- тариқатга ўтиш оқибатида турлича табиатлар юзага чиқади. Бу ўринда, албатта, давр, муҳит, сўфий ва унинг устозига хос хусусиятлар, интилишлар ҳам акс этади.

Тасаввуф таълимотига биноан, Илоҳнинг ўзи ғайб, киши кўзига кўринмайди, зотнинг асл жавҳарларини билишга ҳеч ким муяссар бўлган эмас, аммо унинг “дийдор”-юзи, кўриниши, яъни қандай бўлиб жилоланиши, аёнлашуви орқали Унинг сирларидан воқиф бўлиш мумкин.

Жомийнинг “Нафоҳат ул-унс” асарида келтирилган Шайх Абдураззоқ Кошаний ва Шайх Рукниддин Аловиддин орасидаги баҳсда Кошаний борликдаги ҳар бир ашё-нақш, шу ашёни яратганнинг нақши-сурати: денгиз тўлқини янги бўлиб туйилгани билан аслида эски денгизни ўзидир, деган маънода тавҳид назариясини ҳимоя этса, Рукниддин унга эътироз билдириб, Ибнал Арабийнинг таблари зарарли экани, шайхларнинг ҳол маҳоли

беҳудлигида айтган хатларини жиддий фикр сифатида қабул қилмаслик тўғрисида гапиради”.

Инсон ўзини таниш йўлида руҳий покланиши ва ўзликни англаш футувватнинг асосий хусусиятларидандир. Тасаввуфдаги ҳаққа эришиш учун олиб боровчи 4 босқич: шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат футувватда битта сўз тариқат билан ифодаланади. Иккаласини бир маънога боғлаб турган нарсансоннинг ўз-ўзини англаши ва камолотга эришишга бўлган интилиши ҳисобланади. Шу ўринда футувват устозлари ва тасаввуф шайхларининг фикрларини келтириш ўринли. Имом Динор айтади: “Амолларнинг энг севимлиси ихлосдир”... “Қалбдан чиққан сўз қалбга таъсир этади”.

Фузайл Аваз айтади: “Футувват қардошларни авф этмоқдир”, “Ҳақиқий маънодаги таваккул улуғ Оллоҳдан бошқасидан кўрқмаслик ва умид қилмасликдир”.

Зуну Мисрий айтади: “Баданни сихати оз емакда, рухнинг сихати оз гуноҳ этмактадур”. “Хужжат ва баёнга оид маърифатда ҳакимлар ва уламолар туради”. “Ваҳдат сифатига оид маърифат Оллоҳнинг валиларига оид маърифатдир”.

Жаҳл Абдуллай айтади: “Футувват суннатга тобе бўлмоқдир”.

Аҳмад Ҳадравардий айтади: “Фуқарога ҳизмат этмоқ уч шаклда икром этилур: тавозе, гўзал одоб ва жавонмардлик”.

Жаҳл Абдуллоҳ айтади: “Нафси ўлмаган қалб асло тирилмас”.

Футувват таълимоти инсонпарварлик ғоялари

Футувват таълимотининг инсонпарварлик ғояларини бошқа қўлёзмаларга қараганда Усилмоний Кайковуснинг “Қобуснома” асарида ҳамда араб тилида ёзилган “Номалар” асарларидан ўрганиш мумкин. Машҳур олим Абу Райҳон Беруний Райдан қайтиб Қобуснинг ҳузурида-Журжонда яшади ва Қобуснинг саройида катта ҳурматга сазовор бўлди. Кайковус “Қобуснома”ни яратишдан олдин ўз давридаги маданий шаҳарлар ва футувват вакиллари ҳаёти билан ҳам танишди. Жумладан, Бухоро, Хоразм, Самарқанд шаҳарларида бўлиб, шайх ва уламолар билан суҳбатда бўлди.

Футувват таълимотининг ўзига хос инсонпарварлик, ҳалол меҳнат каби ахлоқий тушунчаларини ифода этган асарлар сирасига Низомулмулкнинг “Сиёсатнома”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Маҳмуд Қашғарийнинг “Девони луғатит турк”, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳиббатул ҳақойиқ” асарларини киритиш мумкин.

Футувват таълимоти инсонпарварлик ғояларини ўзида жам этган бўлиб, жумладан, жавонмардлик рукнлари қуйидагилардир: “Ножўя, номақбул сўзлар, бўҳтон ғийбатлардан қулоқни беркитиш, кўриш ножоиз ҳисобланган

нарсалардан кўзни юмиш, халқ озоридан қўлни тортиш, бориш маън қилинган жойлардан оёқни тортиш, ҳақорат ва гуноҳга сабаб бўладиган гап ташиш ва зиён-заҳмат, озорга етаклайдиган ишларга кадам қўймаслик. Зино, футувват аҳдини бузиш, ҳаромхўрлик эса футувват риштасини узишдир, саховат, яъни тиламасдан бурун ўз маҳалида бағишламоқ, оқибатини ўйламаслик, барчага камтар ва хокисор муносабатда бўлмоқ ва марҳамат, халққа шафқат кўрсатмоқ, кишилар гуноҳини кечирмоқ, ғурурни тарк этиш, курб (илоҳиётга яқинлашиш). Кўнгил ўз ташвишлари ғалвасидан қутулмас экан, у дўст муҳаббатининг маконига айланмайди. Футувват шартлари ислом,имон, ақл, илм, ҳилм, тақво, парҳез, сидқ, карам, мурувват, шафқат, эҳсон, вафо, ҳаё, ғайрат, сабр, истиқомат, насихат, нафс таҳорати, олийҳимматлик, раҳмдиллик, шариат риояси, ота-она хурматини бажо келтириш, устоз хизматида бўлиш, қўшни ҳақини адо этиш, тилга фақат савобга қаратилган каломни келтириш, кўп билиб, оз гапириш, ҳамма жойда ҳалолни талаб қилиш, салом одобини бажо келтириш, яхшилик ва поклик билан суҳбатлашиш, шукур қилиш, мазлумларга ёрдам қўлини чўзиш, етим- есирлар, ёлғиз кишиларнинг аҳволини сўраб туриш, ихлос билан амал қилиш, омонатга хиёнат қилмаслик, шайтоний нафсга қарши душманлик кўрсатиш, инсоф чизиғидан чиқмаслик, рози-ризолик ҳиссини йўқотмаслик, касалларни кўришга бориш, ёмонлардан йироқ юриш, худони номини тилга олиш. Бундан келиб чиқадики, футувват таълимоти инсонпарварлик ғояларини ўзида жам этган, унинг асоси инсоннинг камолоти ва ўз-ўзини англашига қаратилган.

Бу даврда Бухоро ва Самарқанд мадрасаларида олимлар, маърифатпарварлар йиғиладилар ва улар илм эгаларини тарбиялаб етиштирадилар. Футувват вакиллари “Бу жаҳон бир зиёратгоҳдир, нима эксанг, шуни ўрасан, бу жойда ифбатли, парҳезкорларнинг ҳиммати шерларнинг ҳимматидир” деб биладилар. Бизга аёнки, фарзанднинг ота-она олдидаги бурчи, ота-онанинг фарзанд олдидаги вазифалари, таълим-тарбия инсоннинг бутун умри асосини белгилайди. Футувват вакиллари ҳунар ва унинг сирларини чуқур ўрганиб, ҳам оилага, ҳам замонга ва маданиятга ҳисса қўшишларига алоҳида аҳамият берганлар.

Мовароуннаҳр ва Хуросон жавонмардлари ўзларини меҳмондўстлиги билан ажралиб турганлар ва инсонинг умри борлиқ фалсафасининг марказида туради деб билганлар. Мардлик ва меҳнат билан мол жам этишни қадрлаганлар. Ф.Тешнер футувватнинг инсонпарварлик ғоялари ҳақида қуйидагиларни келтирган: “футувват умр мазмунини тушунтиради ва муваффақиятга бошлайди. Футувват йўлини худо одамлар яхшилик йўлини топиб олиш учун юборган. Футувват бақувват илдиз, дарахт ва мева унинг

боши ва ниҳояси худо, тангри бу билимни юракларга юборган. Пайғамбар айтади: “мен фатаман, фатанинг биродариман, фатанинг ўғлиман” (Франс Тешнер 192-бет). Футувват қонун-қоидалари илоҳий қонундан танлаб олинган, маҳзаби ҳақиқат ичидадир. Футувват қонунлари инсонпарварлик, руҳий камолот, одамийлик мезонларини ўзида тутиб туради. Футувват-қимматбаҳо либос, сувга бой денгиз, чегарасиз билим ва саховатнинг йўли, фата донишмандликни йўли, яхши фазилатларга етаклайди, инсонийликка бошлайди.

Азиз бўлиб яралдик, азиз бўлайлик, азизим...

Дарё куй чалади, тўлқинлар ўйнар,
Мезон қайтар мағрур теракларига.
Кел, азизим, бирга кўнгил қўямиз,
Момо кузнинг сирли эртакларига.

Хулоса

Хулоса ўрнида IX- XII асрлар шарқ уйғониш даври билан машхурдир. Бу даврда Марказий Осиёда етишиб чиққан кўплаб алломалар ислом динининг умрбоқийлигига унинг ривожига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар ва уни дунё динлари даражасига кўтарадилар. Маълум бир ғояни юқори даражага кўтарилишида, уни халқлар эътиқодининг ажралмас қисми бўлишида албатта маънавий манба муҳим ўрин тутди. Бу ўринда Қуръон китоби ана шундай маънавий манба вазифасини ўтади. Юртимизда яшаб ижод этган кўплаб диний алломалар Қуръон ва ҳадислар асосида ҳаёт, инсонийлик фалсафаси ва унинг жамиятдаги тутган нуфузи борасида ўз йўналишини ишлаб чиқдилар. Исломий эътиқод асосида шаклланган футувват таълимоти эса ушбу йўналишнинг бири сифатида қаралади. Таълимот негизида комил инсон фалсафаси, унга эришиш йўллари ётади. Ҳозирги глобаллашув жараёнида оммавий маданият хуружи авж олган бир даврда ёшлар тарбиясида футувват таълимоти ҳам муҳим бир тарбиявий восита сифатида хизмат қилади. Унда улуғланган ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, поклик, сахийлик хислатлари ҳозирги замон ёш авлод тарбияси учун муҳим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Франс Тешнер (Franz Taeshner) “Zunfte und Bruderschaften in islam” (Munchen 1979 йил).
2. Нажмиддин Комилов. “Тасаввуф” (Тошкент “Ёозувчи” 1996 йил).
3. Фариддун Аттор. “Тазкиратул-л-авлиё” (Бурса 1984 йил).
4. Азамат Зиё. “Ўзбек давлатчилиқ тарихи” (Тошкент. 2000 йил).

**2021 йил. Қоғоз бичими А5,
Офсет қоғози. Times New Roman” гарнитураси
Босма табоғи 2.25
Буюртма № 012А, Адади 50 нусха**

**Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
Босмаҳонасида чоп этилди
REESTR № 18-2464
Манзил: Шохрух кўчаси, 60-уй**